«ТАСДИҚЛАЙМАН»
"Янгикўрғон туман халқ таълими бўлими мудири"

_______________ А.Қаюмов

«_19_» _май_2022 й

# БУЮРТМАЧИ:

## « Янгикўрғон туман халқ таълими бўлими »

**“Қизил-Қиёк” МФЙ-да жойлашган 4 – сонли умумий ўрта таълим мактабга мини футбол майдонни қуриш ишларини**

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

**Янгикўрғон шахри -2022 йил**

# Танлов хужжатларининг мазмуни:

## I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

### ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда № 3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг "Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги" тартиби асосида ишлаб чиқилди.

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1. Қизил-Қиёқ МФЙ-да жойлашган 4 – сонли умумий ўрта таълим мактабга мини футбол майдонни қуриш ишлари бўйича малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг бошлағич қиймати – **587379000 (Беш юз саксон етти миллион уч юз етмиш тўққиз минг )** сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 кун.

1.4.Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб хисобланади.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. "Янгиқўрғон туман ҳалқ таълими бўлими" (бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади) -танлов ташкилотчиси хисобланади.

"Буюртмачи" манзили: Почта манзили 161200, Ўзбекистон Республикаси Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Янгиқўрғон шаҳари Наманган кўча 13 уй

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов "Янгиқўрғон туман ҳалқ таълими бўлими" биносида "Буюртмачи" томонидан тузилган харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга малакали хизмат кўрсатиш бўйича белгиланган юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар ўзининг низоми ва лицензия асосида тақдим этган холда иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

- Танлов савдо иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот (Устав ва гувохномадан, таъсисчи ва раҳбарнинг шахсий ИНН си ва паспорт нусхалари).
-Танловда қатнашиш кунида Давлат солиқ инспексиясидан солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома.
- Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги икки йиллик иш тажрибаси.
- Банк кафилиги бўлсин.
- Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари.
- Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати.
- Объектнинг жамланма жадвали, объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхати, объект қурилишининг шартномавий нархини белгилашда ишлатилган асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлари.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
"Янгикўрғон туман халқ таълими
бўлими мудири"
__________ А.Қаюмов
«__» май 2022 й

# ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

| № | Асосий маълумотлар | Бажарувчи |
|---|---|---|
| 1 | Қабул қилувчи ташкилот | Янгикўрғон туман халқ таълими бўлими |
| 2 | Буюртмачи | Янгикўрғон туман халқ таълими бўлими |
| 3 | Буюртма учун асос | Нуқсон далолатнома, Лойиҳа сметва ва эскпертиза хулосаси |
| 4 | Объектнинг жойлашган манзили | Қизил-Қиёқ МФЙ-да жойлашган 4 – сонли умумий ўрта таълим мактаб |
| 5 | Қатнашувчи учун талаблар | - Танлов савдо иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот (Устав ва гувохномадан, таъсисчи ва раҳбарнинг шахсий ИНН си ва Паспорт нусхалари).<br>-Танловда қатнашиш кунида Давлат солиқ инспексиясидан, солиқлардан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома.<br>- Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги икки йилликда қилинган иш тажрибаси.<br>- Банк кафилиги бўлсин.<br>- Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари.<br>- Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати.<br>- Объектнинг жамланма жадвали, объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхати, объект қурилишининг шартномавий нархини белгилашда ишлатилган асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлари. |
| 6 | Товар (иш хизмат махсулот) номи ва миқдори | Қизил-Қиёқ МФЙ-да жойлашган 4 – сонли умумий ўрта таълим мактабга мини футбол майдонин қуриш |
| 7 | Иш тури | Жорий таъмирлаш |
| 8 | Хизматларни бажариш муддати | Шартномаларни имзолаган кундан бошлаб 30 кун муддатда |
| 9 | Техника хавфсизлиги бўйича талаблар | Хизматларни бажариш жараёнида ёнгин, саноат ва техника хавфсизлиги қоидаларига тўла риоя қилиниши шарт. |
| 10 | Молияташтириш манбаи | Янгикўрғон туман халқ таълими бўлими бюджет маблағлари хисобидан. |

**Давлат харидлари ва шартнома гуруҳи раҳбари:** **А.Абдуллаев**

**Бош ҳисобчи:** **У.Исломов**

**Иқтисодчи:** **У.Абдувалиев**

**Қурилиш ишлари бўйича мутахассис:** **Ш.Суфижонов**